



### Гулчехра Агзамова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Тарих институти  
бош илмий ходими,  
тарих фанлари доктори, профессор  
e-mail: [gulaziz@mail.ru](mailto:gulaziz@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15487069>

## АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДАГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ХУСУСИДА БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

**Аннотация.** Мақолада Бухорода 17-18-юзийиллик ўрталарида ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласи даврида иқтисодий ҳаётнинг асосларидан бири бўлган ҳунармандчиликнинг ҳолати, асосий тармоқлари ва уларда юз берган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилади ва улар тахлили асосида айрим мулоҳазалар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** Аштархонийлар, ҳунармандчилик, тўқимачилик, бўёқчилик, жун матолар ишлаб чиқариш, чарм маҳсулотлар, металлга ишлов бериш, ёғочга ишлов бериш, кемасозлик.

17-18-юзийиллик ўрталарида - Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам ҳунармандчилик иқтисодий ҳаётнинг асосларидан бири сифатида жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлди. Бу даврда ҳам ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, кийим-бош ишлаб чиқариш, кулолчилик, ёғочга ишлов бериш,

чармгарлик, уй-рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш, сангтарошлиқ, кошинпазлик, озиқ-овқат турларини ишлаб чиқариш ва бошқалари иқтисодий ҳаётнинг асосий тармоқлари эди. Улар билан бевосита ва билвосита боғлиқ ҳунар турлари ҳам ривожланган эди.

Бу даврда ҳам олдинги даврлардаги каби ҳунармандчиликнинг энг ривожлаган асосий соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Тўқувчилар турли матоларни ишлаб чиқарганлар. Уларнинг ичida ип, ипак, яrim ипак, жун матолар алоҳида ажралиб турган ва улар билан нафақат мамлакат ичida, балки бошқа мамлакатлар, дашт аҳли орасида талаб катта эди.

Аштархонийлар даврида ҳам Туркистоннинг тўқувчилик тараққий этган марказларидан бири Бухоро эди. Ушбу марказда кўплаб газлама турлари ишлаб чиқарилган. 1671 йилда Бухоро элчиси Мулла Фарруҳ рус дъяки ёрдамчиси Иван Астафьевнинг “Бухоро давлатида қандай моллар бор”, – деган саволига “киндяклар ва зандана ва китайка” асосий моллар бўлиб, “кимхоблар ва атласлар” ҳам бор, – деб берган жавоби бу фикрни тасдиқлайди [10. - С.386].

Аштархонийлар даврида ҳам Бухоро ва бошқа марказларда тўқилган газламаларнинг катта қисмини ип газламалар - бўз (карбас), олача, занданачи, чит ва бошқалар ташкил этган. Бу газламалар ўзининг тўқилиши, эни, ранги билан бир-биридан фарқ қилиб, турли қўриниш касб этган. Биргина бўзнинг ўзи 8 рангда – қора, кўк, сарик, барг ранг, чумоли, гунафша ва бошқа рангларда бўлиши мумкин эди [12. – С.48]. Буни 1639-1672 йилларда Тара ва Тобольскка келтирилган моллар рўйхати ҳам тасдиқлайди. Унда қайд этилишича, Бухородан бу ерга «зандана семенди, зандана дюменди, қора зандана, ишлов берилган бўз, энсиз бўз, ишлов берилган энсиз бўз, кенг олача, рангли олача» номли газламалар келтирилган [10. – С. 176].

Ишлаб чиқарилган ип газламаларнинг бир қисмини олача - “икки рангли йўл-йўл ва юпқа ... олача деб аталувчи ип газламалар” [3. – С.144] ташкил этган.

17-юзийлликда Бухорода бу мато турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунармандлар – Олачабофлар гузари бўлган [6. – С.213].

Олачанинг оддий ип олачадан фарқланадиган ипакдан тўқилган тури ҳам бўлган. Оддий олачанинг энг яхши нави “зибак” деб аталар эди. Ипаклик олача эса жуда чекланган миқдорда ва қўпроқ Бухорода ишлаб чиқарилган. Бу мато турининг – “оддий 2460 ўрам олача ва 26 ўрам кенг рангдор олача” 1640 йилда Тобольскка Имомқулихон элчилари олиб келган моллар орасида эслатиб ўтилади [10. – С.363]. Олача Бухоро, Ургут, Самарқанд, Каттақўрғон ва бошқа марказларда ҳам ишлаб чиқарилган.

Хунармандлар томонидан кўп ишлаб чиқарилган матолардан яна бири чит эди. Бу газламани ишлаб чиқариш билан шуғулланган ҳунармандлар читгарлар деб аталиб, улар ўз маҳсулотларини бўз (карбас)га қолиплар ёрдамида турли ранглардаги гулларни босиш орқали ҳосил қилганлар. Бу ҳунармандларнинг устахоналари шаҳар ва унинг атрофларида жойлашар ва “Читгархона” деб аталар эди. Матога гул босувчи читгарлар ўсимликлардан олинадиган маҳаллий буёклар – кўк, сафсар, мош ва қизил ранглардан фойдаланганлар.

Читнинг энли, энсиз хиллари ва ишлаб чиқарилган жойига қараб номланадиган турлари ҳам бўлган. Рус манбларида “выбойка” номи билан машҳур чит 1639-1672 йилларда Тобольск божхонасида “кенг читлар”, “тор читлар”, “ўртача читлар” ва “бухоро читлари” тарзида қайд этилади [10. – С.342].

17-18-юзийлликларда турли ипак газламалари тўқишига ҳам катта эътибор қаратилган. Хусусан, 18-юзийлликларда 70-йилларида Бухорода бўлган Ф. Ефремов шаҳарда турли газламалар, жумладан, ипакдан олтин ва кумуш безакли йўл-йўл парчалар, атласлар, баҳмаллар тўқилганини қайд этган эди [5. – С.118].

Тўкувчи-ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган ипак газламалардан яна бири шойи-канаус бўлиб, у Туркистон хонликларининг кўпгина

марказларида ишлаб чиқарилган. Кўқон ва Марғилонда “атлас” ёки “жибапарқоқ” номлари остида машхур бу мато Бухоро хонлиги шаҳарларида “канаус” номи билан аталган.

Тўкувчи-хунармандлар кўп микдорда яrim ипак газламалар ишлаб чиқаришга ҳам ихтисослашган эдилар. Хусусан, Бухоро хонлигидаги газламаларнинг «Пасма – қалин йўл-йўл газлама», шунингдек, «адрас ва олчимбар» деб аталувчи хиллари тўқилган. Яrim ипак газламалар жумласига «Пари-поша» матосини ҳам киритиш мумкин. Бу газлама айрим ҳолларда соф ипаклик бўлиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолда бу газламани тўқиши учун олий навли ипакдан фойдаланилар эди [4. – С.514].

Бу даврда тўқимачилик соҳасида юз берган ўзгаришлардан бири Шайбонийлар давридаги каби хунармандлар томонидан жун газламалар ишлаб чиқариш кўлами кенгайган. Жумладан, улар томонидан «босма» номли газлама – мовут тўқилган бўлиб, у тия жунидан тайёрланган ва «оч жигарранг ҳамда қора рангда» бўлган. Бу ерда ишлаб чиқарилган яна бир жун газлама тури «босма-итибит» бўлиб, уни тўқишида момикдан фойдаланганлар. Бу мато тури анча юмшоқ ва нафис бўлган. Шунингдек, кўчманчи аҳоли томонидан тия, эчки ва қўй жунидан тайёрланган «қоқма» матоси ҳам маълум эди. Жуннинг дағал қисмидан, шунингдек, қоплар ҳам тўқилган. Бундай қоплардан карвон савдосида кенг фойдаланилган.

“Тибит-салла” деб номланадиган яrim жун газлама ҳам тўқилган. Бу матонинг асоси ипдан бўлиб, унга жун қўшиб тўқилар эди.

Тўкувчи-хунармандлар шунингдек, саллалар ва белболар учун ишлатиладиган майда кўк тўртбурчак шакли туширилган ип газлама – фута ҳам тўқиганлар.

Шаҳар ҳунармандлари «хоса» деб аталган газмол турини ҳам ишлаб чиқарғанлар. Оқ рангдаги бу матодан турли мақсадларда, жумладан, саллалар сифатида фойдаланғанлар.

Хунармандлар дока ҳам тұқығанлар. Дока ҳам хосага ўхшаган юпқа мато бўлиб, уларнинг фарқи газламанинг энида бўлиб, дока хосага қараганда юмшоқроқ бўлар эди [16. – С.513]. Асосан салла учун ишлатилган доканинг “оқ ва кўк” хиллари ҳам машҳур эди.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам ривожланган ҳунармандчилик турларидан бири буёқчилик эди. Бу ҳунар тури тўқимачилик ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари билан узвий боғланган эди. Бу ҳунар тури билан машғул ҳунарманлар кўп асрлик тажрибаларидан келиб чиқиб сариқ рангни испаракдан, тут дараҳтида ўсувчи пўкақдан сарғимтири барг рангга бўяшда, маҳаллий боғларда ўсувчи дараҳтдан барг ранг – тухмак, шойини қора рангга бўяшда ишлатиладиган ранг гулҳайридан ва бошқалардан олиш маҳоратини эгаллаган эдилар [8. – С.209-210]. Гули-махсадан эса пушти ранг бўёқ олганлар. Бўёқчилар ишлатган ранглар ичида қирмиз бўёғи алоҳида ажралиб турган. Уни тайёрлаш анча мураккаб ҳамда мاشаққатли жараённи ташкил этган. У қирмис деб аталувчи ҳашаротдан олинар эди. Флорио Беневени «чўлда ҳашаротларнинг биридан қирмиз деб аталувчи бир қимматбаҳо бўёқ олинади, – деб гувоҳлик берар экан, – яхудийлар бу ҳашаротларни эзиб, ушбу бўёқни оладилар», – деб қўшимча қиласи [15. – С.85].

Бўёқчилар бошқа юртлардан келтирилган бўёқлардан ҳам фойдаланғанлар. Бухорога Ҳиндистондан Қобул орқали маҳсулотларни кўк ва жигаррангга бўяшда ишлатилган шамшид дараҳти – «чўб-и сандал» келтирилган. Чет мамлакатлардан келтириладиган яна бир буёқ тури – бақам бўлиб, ундан

бўёқчиликда тўқ гунафша ва қизил ранг сифатида фойдаланилган. «Чуб-и бақам»нинг «қизил бақам», “қора бақам” турлари машхур бўлган.

Матоларни бўяшда писта дараҳтидан олинадиган сарғиш кичкина уруғлар – бузғунчдан ҳам фойдаланганлар. Бўёқчилар маҳаллий бузғунч билан биргаликда четдан олиб келинган бузғунчдан ҳам кенг фойдаланганлар.

Аштархонийлар даврида ҳам Шайбонийлар даврида кузатилгани каби Туркистонга келтириладиган бўёқ воситаларидан энг кўп тарқалгани – нил (индиго) бўёғи бўлиб, у кўплаб миқдорда Ҳиндистондан келтирилар эди. Ҳунармандлар бу бўёқ билан асосан мато ва бошқа нарсаларни қора ёки тўқ кўк рангга бўяшда фойдаланганлар. Мунтазам равишда келтирилиб турилган бу бўёқ тури Туркистонга келтирилиши 18-19-юзйиликнинг биринчи ярмида жуда ошди. Айнан мана шу бўёқ турига талаб ошганлиги ва ўз навбатида бўёқчилик ва тўқимачиликнинг кенг кўлам ёйганлигидан далолат беради.

Турли усуллар билан тайёрланган хилма-хил бўёқлардан ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари – қўнчилик, қофоз ишлаб чиқариш, қўлёзма китобларни безаш, сиёҳлар тайёрлаш ва х.к. фойдаланилган. Масалан, терини қизил рангга бўяшда – рўян, сариққа бўяшда испарак, яшил рангга бўяшда пўкақдан фойдаланилган.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тикувчилар, бош кийим, хусусан, дўппи тикувчилар, оёқ кийим тикувчи – кафшдўзлар, этикдўзлар ва бошқалар томонидан ишлаб чиқарилган кийим-бош турларига шаҳар, қўшни қишлоқлар, бошқа шаҳарлар, дашт аҳли ва баъзи ҳолларда айрим мамлакатлар аҳолиси орасида талаб катта эди. Бу ҳолат ўз навбатида ушбу соҳаларда маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг ортишига олиб келган.

Ишлаб чиқарилган кийим-бош турлари айрим ҳолларда узоқ ўлкаларга ҳам олиб борилган. 1639-1672 йилларда Тара божхонасининг хужжатларида қайд

етилишича, бу ерга бошқа кийим-бош турлари билан бир қаторда “күйлаклар ва иштонлар келтирилганды” [10. – С. 377].

Тикувчилар томонидан катта хажмларда ишлаб чиқарылған кийим-бош турлари – түн (латта түн, малла түн, чит түн, шойи түн), йўрмадўзлик билан безатилган дўппилар, рўмоллар, қийиқлар, дастрўмоллар ва бошқалар ишлаб чиқарылған. Уларнинг айримлари бошқа юртларга ҳам олиб борилган. Жумладан, 17-юзийилликнинг биринчи ярмида Сибирга “ип ва яrim ип белбоғлар” келтирилганлиги ҳақида мавжуд [10. – С.377].

Аштархонийлар хукмронлиги даврида аҳолининг совуқда кийишга, хусусан, кўчманчи ва яrim кўчманчи аҳоли кийиши учун мўлжалланган мовутдан тайёрланган бош кийимлари, пўстинлар ишлаб чиқариш кенг ривожланган.

Хунармандлар қимматбаҳо мўйналардан пўстин тикувчи усталар – мўйнадўзлар ва шунингдек, анча арzon – кўй терисидан пўстин тикувчи – пўстиндўзларга бўлинар эдилар [7. – С.75-76]. Пўстинлар тикиш учун кўп ҳолларда тулки, сувсар терисидан ҳам фойдаланганлар. Бу маҳсулот турлари узоқ юртларга ҳам олиб борилган. Жумладан, 1639-1672 йилларда Тобольскка келтирилган моллар рўйхатида “тулки терисидан тикилган пўстин” қайд этилса [10. – С. 345-346], 1637-1698 йилларда Тарага келтирилган моллар қаторида “мўйнали пўстинлар” ва “оддий пўстинлар” қайд этилади [10. – С.352-353].

Хунармандчиликда кундалик турмуш учун зарур бўлган уй-рўзгор анжомлари – кўрпа, кўрпача, ёстиқлар, сопол идишлар ва бошқалар ишлаб чиқариш ҳам кенг ривожланган эди. Жумладан, шаҳар ва қишлоқлар аҳли орасида доимо арzon ва пишиқ сопол идишлар, тандирларга талаб катта эди. Бундай талабни қондиришда кулолларнинг меҳнати ўта муҳим эди. Шунингдек, Аштархонийлар даврида амалга оширилган қурилишларда талаб катта бўлган

ғиштлар, кошинлар ва ҳ.к. ишлаб чиқарганлар. Кулолларнинг маҳсулотлари оддий тупроқдан тайёрланган (тандирлар, хумлар, кўзалар, кўзачалар, хумча ва ҳ.к.); оддий тупроқдан тайёрланиб сирланган (сирланган ғишт-кошинлар, уй-рўзгор буюмлари – пиёлалар, лаганлар ва бошқалар); оқ тупроқдан (бунда гилватадан фойдаланилган) ясалган ва сирланган фаянс (ганч аралаш лой) идишлар каби турларга бўлинган [9. – С.194-196].

Аштархонийлар даврида хунармандчиликнинг ғишт ишлаб чиқариш соҳаси жуда ривожланган эди. Жумладан, катта қурилишлар олиб бориладиган Бухорда ғиштга талаб катта эди. Бу талабни қондиришда уни ғишт билан таъминлайдиган бир қанча ғишт хумдонлари бўлиб, улар “шаҳар четида” – “Жанубда ва Шарқда... унга жуда яқин масофада жойлашган эди”.

Аштархонийлар даврида ҳам энг тараққий этган хунармандчилик соҳаларидан бири – турли металларга ишлов бериш ва улардан ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш эди. Металлнинг темир, мис, бронза, чўян, кумуш, олтин каби хилларидан турли-туман уй-рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, бинолар қурилишида ишлатиладиган темир мосламалар ва буюмлар, зеби-зийнат асбоблари ва ҳ.к. ишлаб чиқарилган. Жумладан, эшик занжирлари, тақалар, михлар, арава ғилдираклари учун ҳалқалар, тоштарошлар, дурадгорлар, ер қазувчилар учун меҳнат қуроллари, шунингдек, ўроқлар, пичоқ, кайчи, устара, бигиз ва бошқа нарсаларни ясаганлар.

Чўяндан турли буюмлар қуйиб ясовчи усталар – дегрезлар ҳам машхур эдилар. Улар хўжаликда керакли бўлган буюмлар, чироғдонлар, кўчма ўчоқлар ва бошқаларни ясаганлар. Улар кўп ҳолларда узоқ ўлкаларга ҳам жўнатилган. Бу ўринда 17-юзийликнинг биринчи ярмида туркистонлик усталар ясаган қозонлар – “чюдинные”ни Сибирга келтирилганлиги хақидаги маълумотлар диққатга сазовордир [10. – С.352].

Бронзадан турли буюмларни қуювчи усталар – риҳтагарларнинг маҳсулотларига талаб катта эди. Риҳтагарлар бадиий безакли маҳсулотлар – қозонлар, косалар, шамдонлар, эшиклар учун даста, атиrlар ва турли ёқимли ҳид таратувчи ёғлар, турли бўёқлар учун кичкина идишчалар, қошиқчалар ва х.к. ишлаб чиқарганлар. Бундай маҳсулотларни биргина Самарқанд мисолида кўриб чиққан тадқиқотчилар, 17-юзийиллика қадар бу соҳада мавжуд бўлган бадиийлик, кейинги икки юз йиллиқда анча сусайганлигини қайд этадилар [1. – С.252-253].

Хунармандчилик турларидан бири мисгарлик эди. Бу соҳада фаолият кўрсатган ҳунармандлар турли идиш-товоқ турлари – чойнаклар, косалар, лаганлар, баркашлар ва бошқа уй-рўзгор буюмларини яратганлар.

Металлга ишлов бериш билан боғлиқ ҳунармандчилик соҳаларидан яна бир заргарлик эди. Заргарлар маҳаллий хом-ашё – олтин, кумуш, мис ва бошқалардан турли-туман зеби-зийнат буюмларини яратар эдилар.

Заргарлик билан шуғулланувчи усталар асосан шаҳарларнинг марказий қисмларида жойлашар эдилар. Улар турли-туман металлар ва қимматбаҳо тошлардан хилма-хил зеби-зийнат буюмлари ясар эдилар. Улар жумласига зиракнинг турли хиллари – Самарқанд зирак, соч попуклар, баргак, тиллақош, тумор, бурун-булоқ, билагузукларни киритиш мумкин. Ҳунармандлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва қўшни дашт аёллари учун арzonроқ металлар – кумуш ва мисдан зеби-зийнат буюмларини ҳам ясаганлар. Айниқса, кумушдан зирак, билагузук, тўғноғичлар ва бошқаларни кўплаб ясалган.

Қимматбаҳо металлардан зеби-зийнат буюмларидан ташқари юқори табақа вакиллари учун турли идиш-товоқлар ҳам ясалган, совға учун тайёрланган кўпгина маҳсулотлар – камарлар, қиличлар ва бошқаларга олтин ва кумуш билан ишлов берилган. Мухаммад Юсуф Мунший Субҳонқулихон томонидан Маҳмудбий оталиққа тортиқ этилган совғалар ичida “қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар”ни эслатиб ўтади [13. – С.126].

Ўзаро келишмовчиликлар, низо, урушлар ҳарбий қурол-аслаҳаларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарар ва бундай хунармандчилик соҳаларининг ривожланишини талаб қиласар эди. Бундай соҳалар кенг ривожланган марказлардан бири Бухоро эди. 1697 йилда Ф. Скибин Бухоро ҳақида ёзар экан: “майда ўқ отар қурол қўп, порох ва қўрғошинни ўзлари тайёрлайдилар, бир саржинли жанговор тўплар эса элликта”, – деб қайд этган эди [18. – С.400].

Айниқса, бу даврда ўқ-ёй ишлаб чиқарувчилар, камонгарлар, тиргарлар, ўқдон – садоқ ясовчи таркашдўзлар, совут (жиба, жавшан), дубулғалар, замбараклар, манжаниқлар ва тўфанглар ясашга ихтисослашган хунармандларнинг маҳсулотлари машҳур эди. Улар мамлакат ташқарисида ҳам танилган эди. Буни Имомқулихоннинг элчиси Тобольскка 1640 йилнинг 15 июлида “53 та Бухоро ёйи”ни келтиргандиги ҳақидаги маълумот ҳам тасдиқлайди[18. – С.400].

Аштархонийлар даврида милтиқлар ишлаб чиқарилганигини Ф. Беневенининг Бухоро ҳақида ёзган қуйидаги сўзларидан ҳам англаш мумкин: “Уларнинг қуроллари татарларники каби, баъзиларида ўт олдириладиган пилтали қурол бор, бошқаларида эса фақат найза ва камон бор” [15. – С.85].

Аштархонийлар даврига оид манбаларда шонагарлар, харротлар, нажжорлар тарзида қайд этилган ёғочга ишлов берувчи хунармандлар томонидан эшиклар, бешиклар ва бошқа нарсаларни тайёрлаган. Шунингдек, улар ёғочдан турли хунармандчилик соҳалари учун меҳнат қуроллари ҳам ясар эдилар. Жумладан, матоларни тўқувчилар учун чархлар, матоларга гул босишда асосий қурол бўлган – қолиплар ва шунингдек, зирк дараҳтидан тўқимачиликда ишлатиладиган “кудунг” асбобини ва ёғоч идиш-товоқлар ҳам ясаганлар [16. – С.514].

Аштархонийлар даврида ёғочни ишлаш билан боғлиқ хунармандчилик соҳаларидан бири сифатида кемасозлик ўз мавқеини сақлаб қолган эди. Турли

дарёлар, уларнинг ҳавзалари ва каналлар яқинида жойлашган шаҳарларда бу ҳунар тури кенг ривожланган эди.

Бу даврда кемасозликнинг ривожланганлигидан хабар берувчи кўпгина маълумотлар шу давр манбаларида сақланиб қолган. Бу ўринда 17-юзийилликда Мир Муҳаммад Аминий Бухорийнинг маълумоти ўринли бўлиб, унинг ёзишича, Балхга юришга отланган Убайдуллахон “кемалар ва қайиқларни тайёрлашни” буюрган эди [11. – С.117].

Дурадгорлар темирчилар билан биргалиқда шаҳарлар ва қишлоқлар хўжалигида муҳим ўрин тутган араваларни ясаганлар. Аравалар аҳолининг хўжалик ҳаёти билан бирга ҳарбий юришларда ҳам кенг қўлланилган.

Тарақкий этган ҳунар турларидан бири терини ошлаш ва улардан турли маҳсулотлар тайёрлаш билан узвий боғланган эди. Терини ошловчи ҳунармандлар ўрганилаётган давр манбаларида “чармгар” тарзида келтирилади. Терини ошловчи ҳунармандлар томонидан турли чорва моллари териларига ишлов берилган. Бунда асосан “от, қўй, хўкиз, тuya” терисини ошлаганлар. Бундай ҳунармандларнинг устахоналари қўп ҳолларда шаҳар четида, сувга яқин ерларда жойлашар эди.

Чармгарлар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқарадиган чарм турларига қараб бир қанча ихтисосликларга бўлинар эдилар. Хусусан, пойафзалнинг таг чарми, қора эчки чарми – қайроқи, оқ замша, эшак терисидан барг ранг чарм – кемухтни ишлаб чиқарганлар. Бундай ҳунармандчилик соҳалари марказий шаҳарлар билан бир қаторда, бошқа шаҳарларда ҳам ривож топган эди. Жумладан, Шаҳрисабзда бундай ҳунармандлар кўп эди [17. – С.137].

Ҳунармандлар терилардан турли маҳсулотларни тайёрлаганлар. Жумладан, эчки териси турли ранг – қизил, қора ва сариққа бўялиб, ундан пойафзал тикишда кенг фойдаланилган. Этик ва кафшлар тикишда эшак ва айрим ҳолларда от терисидан тайёрланган сағри теридан кўпроқ фойдаланилган. Пойафзалнинг таг

чарми учун ишлатиладиган хом-ашё тuya ва ҳўқиз териларидан тайёрланар эди [14. – С. 218-223].

Хунармандлар томонидан ошланган бундай терилар бошқа юртларга ҳам олиб кетилган. Тара ва Тобольскка 17-юзийилликда Бухородан келтирилган моллар рўйхатида «замша», «сафъян», «сахтиён», «Бухоро замшаси», эчки ва қўй терилари қайд этиб ўтилади [10. – С. 377-378].

Чармдан бошқа кийим-бош турлари - телпаклар, ов қўлқоплари, камзуллар, иштонлар, камарлар ва бошқаларни ҳам тикканлар. Муҳаммад Юсуф Муншийнинг Маҳмуд оталиқقا олий ҳукмдор Субҳонқулихон томонидан тортиқ этилган “қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар” ҳақидаги маълумоти бу ўринда дикқатга сазовордир [13. – С. 126].

“Эчки терисидан тикилган кийим” ва “чарм иштонлар” 17-юзийилликда Бухородан Сибирга келтирилган моллар ичида тилга олинади [10. – С. 353, 377].

Теридан, шунингдек, эгар-жубдуқлар, мешлар, пичоқ қинлари ва бошқа кўргина нарсалар ясашда ҳам кенг фойдаланилган. Хунармандлар орасида чарм ва ёғочдан эгар тайёрловчи усталар – сиррожлар, тўқимдўзлар, юган тикувчи усталар – лажамдўзлар ва бошқалар мавжуд эди. Мир Муҳаммад Аминий Бухорийнинг қуидаги маълумоти сиррожларининг маҳоратидан далолат беради. Унинг ёзишича, Кешга отланган Убайдуллахоннинг оти “олтин ва кумуш билан безатилган эгар билан” эгарланган эди [11. – С. 104].

Озиқ-овқат турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хунармандчилик соҳалари ҳам кенг ривожланган эди. Бу ўринда биринчи навбатда ун ва ёғ ишлаб чиқариш соҳаларини ажратиб кўрсатиш лозим. Сувга яқин ва чекка ерларда турли тегирмонлар жойлашган бўлиб, уларда аҳоли эҳтиёжи учун буғдойдан ун қилинар эди. Тегирмонлар “Ассия” деб аталган.

Қўл тегирмонлари ҳам мавжуд бўлган.

Ёғ-жувозлар ҳам бўлиб, улар ёрдамида зигир ва кунжутдан турли ёғлар тайёрлаган. Уларни тайёрлашда пахта чигити ҳам қўшилган.

Шаҳарларда озиқ-овқат турларини тайёрлаш билан машғул хунармандлар манбаларда нонвойлар, қўй калла-почасини пиширувчилар, балиқ қовуриб сотувчилар, гўштли шўрва тури – яхна тайёрловчи яхнипазлар ва бошқалар тарзида тез-тез эслатиб ўтилади [6. – С. 123, 137, 159, 142, 149.].

Қандолатчилик ҳам кенг ривожланган эди. Қандолатчилар турли хил ширинликлар – қанд, ҳолва, новвот, нишолда, пашмак ва бошқаларни тайёрлаганлар. Бухоро, Самарқанд қандолатчилари билан биргаликда Қарши қандолатчилари ҳам машхур эди. Ф. Беневени Қарши яқинидаги далада қандга ўхшаш “манна”ни тўплашлари ва ундан ширинликлар тайёрлашда шакар сифатида фойдаланганликлари ҳақида ёзган эди [15. – С. 85].

Шишасозлик, шам ишлаб чиқариш, совун ишлаб чиқариш ҳам ривожланган эди.

Қоғоз, ёзув анжомларини ишлаб чиқариш ва қўлёзма китобларни муқовалаш юқори савияда тураг эди. Илм-фан ва маданият ривожланган бу қадим диёрда доимо ёзув қоғозига эҳтиёж катта эди. Ёзув қоғози ишлаб чиқариш ривожланган марказлардан бири Самарқанд бўлиб, 17-юзийилликда ҳам бу марказ ўз довругини сақлаб қолган эди. Қоғозгар усталар тайёрланган қоғозни турли рангларга – “қизил, кўк, сариқ ва бошқа рангларга” ҳам бўяр эдилар [20. – С. 61-64].

Ривожланган ҳунармандчилик соҳаларидан яна бири муқовасозлик эди. Муқовасозлик устахоналарида уста “саҳҳофлар” турли қўлёзмаларни муқовалаш билан шуғулланганлар. Бундай устахоналар одатда шаҳарларнинг гавжум ерларида, бозорларда жойлашар эди.

Сават, бўйра тўқиши, супурги тайёрлаш хунари билан машғул шахслар ҳам бўлган ва уларнинг бу соҳага ихтисослашган дўконлари шаҳарларда жойлашган эди.

Ўзаро алоқалар туфайли кўпгина хунар турлари бир худуддан иккинчисига ўтиб борган, бир ҳалқнинг хунармандчилик соҳасидаги ютуқлари иккинчиси томонидан қабул қилиб борилган. Инқирозга юз тутган шаҳарлар аҳли турли бошқа марказларга кўчиб борар эканлар, ўша шаҳарларнинг иқтисодий ривожланишига самарали таъсир кўрсатганлар. Шундай шаҳарлардан бири Шоҳрухия бўлиб, 18-юзийилликда қозоқларнинг Чирчик ҳавзаси, Ангренга кириб келиши оқибатида улар аҳолиси каби Шоҳрухия аҳли ҳам “Тошкент ва ҳатто Сирдарё ортида нажот топди” [2. – С. 139-140]. Шоҳрухиядан келган аҳоли, хусусан, Хўжандда Бешкапа гузарини ташкил этганлар. Уларнинг кўпчилиги ип газламалар тўқиши, чарм тайёрлаш ва пойафзал тикиши, бўйра тўқиши билан машғул бўлганлар ва бу хунарларнинг шаҳарда янада ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар [19. – С. 110].

Шундай қилиб, Аштархонийлар даврида турли-туман хунармандчилик соҳалари мавжуд бўлиб, улар томонидан аҳолининг кундалик турмуши ва эжтиёжлари учун газламалар, кийим-бош турлари, уй-рўзгор буюмлари – кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик маҳсулотлари, озик-овқат турлари ишлаб чиқарилган. Аштархонийлар даврида яратилган хунармандчилик маҳсулотларига нафақат мамлакатнинг ўзида, балки бошқа хонликлар, кўчманчи дашт, балки узок ўлкаларда ҳам талаб катта бўлган.

Бу даврда хунармандчилик соҳалари ўз бошидан тараққиёт босқичлари ва инқирозли дамларни кечирди. Айрим хунар турлари янада ривожланиб борди, айримлари умуман унут бўлаёзди. Бундай хунарлар жумласига ҳарбий қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ихтисослашган хунар турларини, чарм маҳсулотлар,

жун маҳсулотлар ишлаб чиқариш кабиларни киритиш мумкин. Ҳунармандчилик анъаналари кейинги даврларда ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Абдуллаев Т.А. Художественные металлические изделия Самарканда // Из истории искусства Великого города (К 2500 летию Самарканда). Ташкент. 1972.
2. Аристов Н. Наманганский округ Коканского ханства (Из показаний одного выходца в 1871 году) // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник/ Под ред. Н.А. Маева. Вып. II. Санкт-Петербург. 1873.
3. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии (Из Тегерана через турк. пустыню по вост. берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научною целью по поручению венгер. академии в Пеште, членом ея А. Вамбери. Москва. 1867.
4. Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зарафшанского округа // Материалы для статистики Туркестанского края. Санкт-Петербург. Вып. 1. 1872. С. 514.
5. Ефремов Ф. Девятилетнее странствование/ Под ред. Э. Мурзаева. Москва. 1952.
6. Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв./ Пер. Е.Э. Бертельса. Москва-Ленинград. 1954. Док. № 200.
7. Казийские документы XVI в./ Текст, пер., указ. юрид. терминов и преч. Р.Р. Фитрата, Б.С. Сергеева. Ташкент. 1937.
8. Краузе И.И. Заметки о красильном искусстве туземцев // Русский Туркестан. Вып. II. Москва. 1872.
9. Кушакевич А.О. О гончарном производстве в Ходжентском уезде // Русский Туркестан. Вып. II. 1872.

10. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Москва-Ленинград. 1932. С. 386.
11. Мир Мухаммад Амин-и Бухари. Убайдулланаме / Пер. с перс.-тадж. А.А. Семенова. Ташкент. 1957.
12. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла Самарканда и Бухары в XVI в. Ташкент. 1976.
13. Мухаммад Юсуф Мунши. Мукимханская история / Пер. с перс.-тадж. А.А. Семенова. Ташкент. 1956.
14. Парамонов И. О кожевенном производстве в Туркестанском крае // Русский Туркестан. Вып. II. 1872.
15. Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. Москва. 1986.
16. Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зараганского округа // Материалы для статистики Туркестанского края. – Вып. II. – 1872.
17. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). Ташкент. 1958.
18. Сыскное дело 1697 года о дороге в Хиву.
19. Турсунов Н.О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана в XVIII-начале XX в. Душанбе. 1991.
20. Якубовский Ю.О. Переплетное ремесло у туземцев Самарканда // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. IV. 1896.

## НЕКОТОРЫЕ СВЕДЕНИЯ О РЕМЕСЛЕННОМ ПРОИЗВОДСТВЕ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ АШТАРХАНИДОВ

**Аннотация.** В статье приводятся некоторые сведения о ремесленном производстве в Бухаре в период правления династии Аштарханидов. В частности, в ней рассматриваются вопросы состояния, основных отраслей и

изменений, происходивших в нем. А также, на основе изученного материала сделаны некоторые выводы.

*Ключевые слова:* Аштарханиды, ремесленное производство, ткачество, красильное дело, производство шерстяных тканей, кожевенное производство, обработка металла, деревообделочное производство, кораблестроение.

## SOME INFORMATION ABOUT CRAFT PRODUCTION AT THE EPOCH OF THE ASHTARKHANID DYNASTY

**The summary.** The article provides some information about the craft production in Bukhara at the epoch of the Ashtarkhanid dynasty. In particular, it examines the issues of the state, main directions and changes that occurred in it. Also, based on the studied material, some conclusions were developed.

*Keywords:* Ashtarkhanids, craft production, weaving, dyeing, woolen fabric production, leather production, metalworking, woodworking, shipbuilding.